

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1433-ҳадис

1433 - وَعَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: عَلِّمْنِي كَلَامًا أَقُولُهُ، قَالَ: «قُلْ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا، سُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ»، قَالَ: فَهَؤُلَاءِ لِرَبِّي، فَمَا لِي؟ قَالَ: «قُلْ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَارْزُقْنِي». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2696].

1433. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир аъробий келиб, «Менга бир калимани ўргатинг, айтиб юрайин», деди. У зот: «Лаа илааҳа иллаллоху, ваҳдаҳу лаа шарийка лаху. Аллоҳу акбару кабийрон, валҳамду лиллаҳи касийрон. Субҳааналлоҳи Роббил ъааламийн. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳил-Азийзил-Ҳаким» дегин», дедилар. У: «Булар Роббим учун. Ўзим учун-чи?» деди. «Аллоҳуммағфир лии, варҳамнии, ваҳдиниин, варзуқнии»* дегин», дедилар».

(Ровий) Мусо айтади: «ъаафиний» («Мени афв этгин» ҳам деганлар) деб гумон қиламан, лекин аниқ билмайман».

* Маъноси: «Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Аллоҳ энг буюқдир, Аллоҳга кўпдан кўп ҳамдлар бўлсин. Оламларнинг Робби Аллоҳни поклаб ёд этаман. Куч ва қувват фақат Азиз, Ҳаким Аллоҳ биландир»

* Маъноси: «Аллоҳим, мени мағфират қил, менга раҳм қил, мени ҳидоят қил, мени ризқлантир».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Бадавий, яъни чўлда яшайдиган инсонлардан баъзилари келиб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан саволлар сўраганлар. Улар сабабли ўрганилган зикр ва дуолар натижасидан саҳобалар мамнун бўлишган.

Теран маъноларни билдирган бу зикрлардан бири ва ҳар доим айтиладиган «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ», (Гуноҳлардан сақланиш учун куч ва ибодатлар учун қувватга фақат Аллоҳнинг ёрдами билан эга бўлишимиз мумкин) деган манони билдаради. Бу жумла инсоннинг ожизлигини очиқ шаклда кўрсатмоқда. Аллоҳнинг ёрдамисиз бармоқларини ҳам қимирлатишга кучи етмаган инсон, яна Унинг ёрдами билан гуноҳларидан қутилиши мумкин. Ибодат учун куч ва қувватга ҳам Аллоҳнинг ёрдами билан эга бўлмоқда.

Аллоҳнинг шаънини ва қудратини жуда чиройли шаклда жамлаган бу зикрни ўрганган бадавий, ўзининг дини ва дунёси учун бир дуо ўргатишини ҳам сўрайди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга ўргатган ва жуда осон бўлган ушбу дуони ўргатдилар. Дамак, бу бадавий ҳам янги иймон келтирган эди. «Аллоҳуммағфир лий варҳамний ваҳдиний варзуқний» деган кимса, ҳам дунё ва ҳам охирати учун дуо қилмоқда ҳамда Аллоҳга: Гуноҳларимни тамомини кечир, ҳар доим сенга итоат қилишим учун менга марҳамат қил, Сенинг розилигингга етишим учун яхши амалларни бажаришга қодир қил ва ҳалол ризқ бер.

«Афинии» сўзининг маноси, менга офият бер, демакдир. Офият эса ҳам дунё ва ҳам охират яхшиликларини ўз ичига олган теран маънога эга бир сўздир.

Манба: hadis.islom.uz

